



O'ZBEKISTON O'VOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2015-yil, 24-sentabr. Payshanba 113 (32.016)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Муборак Курбон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов номига хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига мустақкам соғлиқ, муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-хотирхамлик, раванқ ва фаровонлик тилаб, эзгу истаклар билдирилган.

Жумладан:

Бирлашган Араб Амириклари Президенти
Шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён

Бирлашган Араб Амириклари Вице-президенти,
Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими
Шайх Мухаммад бин Рошид Ол Мактум

Абу Дабӣ валиаҳди, Бирлашган Араб Амириклари
Қуrollи Қучлари Бош қўмондони ўринбосари
Шайх Мухаммад бин Зоид Ол Наҳаён

Ўмон Султони **Қобус бин Саид**

Иордания Подшоҳи **Абдуллоҳ Иккинчи бин ал-Ҳусайн**

Кувайт Давлати Амири

Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ

Миср Араб Республикаси Президенти

Абдулфаттоҳ Саид Ҳусайн ас-Сиси

Туркия Республикаси Президенти

Режеп Таййиб Эрдоған

Эрон Ислон Республикаси Президенти

Ҳасан Рухоний

Қатар Давлати Амири

Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний

Қатар Давлати Бош вазири, ички ишлар вазири

Шайх Абдуллоҳ бин Носир бин Халифа Ол Соний

Қатар Давлати Валиаҳди

Абдуллоҳ бин Ҳамад Ол Соний

Фаластин Давлати Президенти, Фаластин озодлик

ташкilotи Ижроия қўмитаси раиси **Махмуд Аббос**

Туркменистон Президенти **Гурбангули Бердимухамедов**

Тожикистон Республикаси Президенти **Имомали Раҳмон**

Қирғизистон Республикаси Президенти

Алмaзбек Атамбоев

Ислон ҳамкорлик ташкilotи Бош котиби

Ияд бин Амин Маданий

МДХ динлараро Кенгаши ҳамраиси, Кавказ

мусулмонлари бошқармаси раиси

Шайх-ул-ислом Оллоҳшўқур Пошшозода

Саудиялик ватандошлар **Сафохон Жалолхон Тўра**

Марғиловий ва бошқалар ўз табрикларини йўлаганлар.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуху
Мухтарам Президент Жаноби Олийлари!
Бугунгидек осейишта ва фаровон кунларда Сизни ва Сиз орқали Ўзбекистон халқини қутлуғ айём — Курбон ҳайити муносабати билан муборак заминда ҳаж ибодатини адо этаётган юртдошларимиз номидан самимий муборакбод этамиз.

Яратганга бехисоб шукрлар бўлсинки, она Ватанимиз мустақиллиги биз учун аввало ўзлигимизни англаш, инсоний кадригимизни, урф-одат ва қадриятларимизни, муқаддас ислом динимизни, буюк аждодларимиз, азиз-авлиё ва алломаларимизнинг табаррук номлари ва меросини, гурур ва ифтихоримизни тиклаш, ёш авлодимизни миллий ва умум-башарий қадриятлар руҳида тарбиялаш каби беқиёс имкониятларни очиб берди.

Халқимиз бундай улкан натижаларни, салмоғи ва аҳамияти ҳеч нарса билан ўлчаб, қийслаб бўлмайдиган ютуқларни ҳар жиҳатдан пухта ўйланган, ўзқни қўлаб амалга ошириладиган ислохотларнинг самараси деб билади ва юксак қадрлайди.

Дунёнинг турли минтақаларида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни қўриб, кузатиб шуни тўлиқ ишонч билан айтаемизки, биз учун, мўмин-мусулмонлар учун тинчлик ва омонлик — энг олий неъмат, мусаффо динимиз тарғиб қилган улў қадриятдир. Ўзбек халқининг бизга тинчлик керак, омонлик керак, деган мана шу мухтасар даъвати бугун миллати ва эътиқодидан қатъи назар, фаровонликка интилган бутун дунё аҳлининг хоҳиш-истагини ўзида яққол ифодаламоқда.

Биз, ўзбекистонлик ҳожилар Маккаи мукаррама, Мадинаи мунаввара сингари муқаддас манзилларда бўлиб, юртимиз тинч, халқимиз фаровон, мустақиллигимиз абадий бўлишини Яратгандан илтижо қилиб сўрамоқдамиз.

Президент Жаноби Олийлари, Аллоҳ таолодан Сизга мустақкам соғлиқ, бахт-саодат тилаб, халқимиз ва азиз диёримизни ҳаммаша Ўз паноҳида асрашини сўраб дуолар қилиб қоламиз.

Вассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуху.

Ўзбекистон ҳожилари номидан
муфтий Усмонхон АЛИМОВ

Мақка шаҳри, Арафот водийси
2015 йил 23 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ



Самарқанд шотўлағанов олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ ТОМОНIDAN ЙИГИТ-ҚИЗЛАРНИING ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ БИЛИМИ ВА ФАОЛЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ МАҚСАДИДА ЎТКАЗИБ КЕЛИНАЁТГАН «ЁШ СИЁСАТЧИ — 2015» КЎРИК-ТАНЛОВИНИING БАРЧА БОСҚИЧЛАРИДА 18 ЁШДАН 30 ЁШГАЧА БЎЛГАН 18 МИING НАФАР ЙИГИТ-ҚИЗ ҚАТНАШДИ.

Янги тахрирда қабул қилинган «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонунга ЎзХДП фракцияси таклифи билан спортчиларнинг айрим тоифалари белгиланган тартибда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини кафолатловчи меъёр киритилган.

ЎзХДП гуруҳи ташаббуси билан халқ депутатлари Урганч туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари доимий комиссиясида қишлоқларда тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш масаласи муҳокама қилинди.



Бу ҳақда парламент палаталарининг қўшма мажлисида айтилган эди...

Қабул қилинаётган қонунлар тараққиётга, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, суд-ҳуқуқ ислохотларининг боришига қандай таъсир кўрсатмоқда?

Бугун мамлакат истиқболлини белгилаш, стратегик вазифаларни ҳал этиш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда парламентнинг ўрни тобора кенгайиб, таъсир кучи ортиб бормоқда. Шу боис парламент фаолиятини янада кучайтириш, қонунлар

қабул қилиш механизмини такомиллаштириш, қонун ижодкорлиги самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ҳақда Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги концептуал маърузасида алоҳида

таъкидлаган эди. Шунингдек, маърузада янги шакланган парламент олдида турган устувор вазифалар, ҳал этилиши зарур бўлган масалалар атрофида таҳлил этилиб, муҳим таклифлар ўртага ташланган эди. Утган давр мобайнида Президентимиз томонидан илгари сурилган фикрлар,

таклиф ва тавсиялар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятида қай даражада ўз ифодасини топди. Хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг бу жараёндаги иштироки қандай бўлмоқда?

▶ Давоми 2-бетда.

ЎзХДП «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ

«ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯДАН — ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИК САРИ»

Ушбу лойиҳа хотин-қизлар бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор вазифалар белгиланган. Хусусан, партия дастурида аҳолининг иш билан банд бўлмаган қатламлари, жумладан, хотин-қизлар учун барқарор ва юқори ҳақ тўланадиган иш ўринлари яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Шунга қўра, ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти «Ижтимоий ҳимоядан — ижтимоий фаоллик сари» лойиҳасини амалга ошириб келмоқда. Лойиҳа доирасида республикамизнинг барча ҳудудларида хотин-қизларни ишга жойлаштириш, уларни ўйлантираётган масалаларни ҳал

қилишга йўналтирилган тадбирлар ўтказилмоқда. Мазкур тадбирларда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўйича олиб борилаётган ислохотлар, бу борада яратилган ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароит ҳақида кенг тушунча берилляпти.

▶ Давоми 2-бетда.

Худудлардан хабарлар

БУЮК
БРИТАНИЯНИING
WWW.TELEGRAPH.COM
САЙТИ

Самарқандни дунёнинг саёҳат қилиш учун энг қулай, энг гўзал 25 шаҳри рўйхатида киритди.

— Америка Қўшма Штатларининг нуфузли «Зе Хаффингтон пост» нашри Самарқандни инсон ўз умри давомида албатта бориб қўриши зарур бўлган жаҳондаги 50 та шаҳар рўйхатида киритгани ҳар бир ўзбекистонликни хурсанд қилганди, — дейди халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби Ҳасан Нормуродов. — Мана энди Буюк Британиянинг машҳур сайтида ҳам Самарқандни саёҳат учун қулай, гўзал шаҳар экани алоҳида эътироф этилди. Президентимиз кўрсатмаси ва тавсияси билан йилдан-йилга чирой очиб бораётган Самарқандимиз дунёнинг нуфузли нашрлари томонидан тан олинаётгани бarchамизга фахр-ифтихор бағишлайди. Биз, самарқандликлар учун бунинг ўзига яраша масъулияти ҳам бор, албатта. Ишонамизки, шаҳримиз янада гуллаб-яшнайдиган. Дунёдан келадиган туристлар оқими аса ҳеч қачон тўхтамайди.

Наврўз ШОДМОНҚУЛОВ

УЛАР ВАТАН ХИЗМАТИГА ШАЙЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда шу кунларда навбатдаги мuddатли ҳарбий хизматга чақирилувчи йигитлар дастлабки кўрик ва синовлардан ўтмоқда. Бунинг учун жойларда мутасадди ташкилотлар томонидан тузилган комиссиялар ишламоқда.

— Ҳарбий хизмат ёшларимиз учун шон-шараф ишига айланди, — дейди Денов туман Мудофаа ишлари бўлими бошлиғи, подполковник Зокиржон Мусаев. — Шу боис Ватанга хизмат қилишни олий савдат, деб билаётган ўғлонлар сафи йилдан-йилга кенгаймоқда. Шунинг билан айтиш керакки, мустақиллик фарзандлари қалбида Ватанга бўлган муҳаббат тобора юксалмоқда.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ҲИНДИСТОН ЯРМАРКАСИ

Наманган шаҳрида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда Ҳиндистон хунармандлик буюмлари экспортини ривожлантириш кенгаши томонидан «Ҳиндистон ярмаркаси» савдо кўргазмаси очилди. Бир неча йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ярмаркада бир ҳафта давомида тикувчилик, ёғоч ўймакорлиги, уй-рўзгор буюмлари, заргарлик ва бошқа қатор хунармандчилик маҳсулотлари савдоси йўлга қўйилди.

— Бизни Наманган шаҳридаги ободлик, одамларининг очик чехраси, ҳаётидан рози эканлиги мафтун этди, — дейди кўргазма иштирокчиларидан бири «HAD Product» компанияси директори Сафи Аршад. — Бу ернинг атласу адраслари, дўппидўзлари-ю тикувчиларига қўйил қолдик. Бизларнинг темир, полимер ва пластмассадан тайёрланган рўзгор буюмларимиз, уй анжомларимиз наманганликларга ҳам манзур бўлди. Бундай тадбирлар савдо-иқтисодий алоқаларимизнинг янада мустақкамланишига хизмат қилади.

Ярмарка давомида ўзбек ва ҳинд хунармандлари ўртасида тажриба алмашиш, савдо-сотик алоқаларини янада мустақкамлаш борасида шартнома ва битимлар имзоланди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

Сиёсий жиҳатдан
билимдон ёшлар



Халқ депутатлари Қанликўл туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи бандлик дастури ижросини ўрганди.

Бу ҳақда парламент палаталарининг қўшма мажлисида айтилган эди...

ҚАБУЛ ҚИЛИНАЁТГАН ҚОНУНЛАР

тараққиётга, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, суд-ҳуқуқ ислохотларининг боришига қандай таъсир кўрсатмоқда?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси **Комила КАРОМОВА** билан суҳбатимиз шу ҳақда.

— Президентимиз Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида парламент фаолиятига ҳолис баҳо бериб, сўнгги йилларда эришган ютуқларни эътироф этиб, йўл қўйилган камчиликларга тўхталиб, депутатлар эътиборини асосан саккизта устувор масалага қаратди. — дейди **Комила Каромова**. — Яъни қонунни, ҳуқуқни қўллаш амалиётига етарлича эътибор берилмаётгани, кўпинча қабул қилинаётган қонунлар, уларга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар ишламаётгани, қонун лойиҳаларини давлат бошқаруви, фуқаролик жамияти институтларининг турли бўғинларида кенг ва амалий муҳокама қилишни таъминлаш, қонун лойиҳаларини ҳорижий ҳуқуқий амалиёт билан ҳар томонлама чуқур қиёсий таҳлил қилиш асосида уларни муҳокама этиш зарурлиги таъкидланди. Бундан ташқари, сиёсий партиялар фракцияларининг ўрни ва аҳамиятини, фракциялар ҳамда депутатларнинг фаоллиги, ташаббускорлигини янада ошириш, парламент назоратини кучайтириш, қабул қилинаётган қонунлар, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий давлат дастурларининг ижросини сўзсиз таъминлаш ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг ўзаро ҳамкорлиги самарасини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

— **Айтингчи, ўтган давр мобайнида Президентимиз маърузасида илгари сурилган масалалар, таклиф ва тавсияларни Қонунчилик палатаси фаолиятига татбиқ этиш борасида қандай амалий ишлар қилинди?**

— Президентимиз маърузасида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2015 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган тақдирлар, ҳуқуқий тадбирлари,

қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил ишлари Дастури қабул қилинди.

Энг муҳими, мазкур Дастур Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари таклифлари асосида тайёрланди. Дастур қонунчилик палатаси фаолиятининг қонун ижодкорлиги, парламент назорати, қабул қилинган қонунлар юзасидан аҳоли ўртасида ахборот-тўшунтириш ишларини олиб бориш, парламентлараро алоқаларни ривожлантириш ва мустақамлаш, халқаро ҳуқуқ нормаларини ўрганган ҳолда, амалдаги қонун ҳужжатларини мониторинг қилиш, депутатларнинг сайлов участкаларидаги ишлари ва парламент фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш каби муҳим йўналишларни ўз ичига олган.

Шунингдек, Дастурда палата ишини ташкил этиш, қонун лойиҳаларини киритиш ташаббуси билан чиқиш, партиялараро рақобатни ривожлантириш, давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назорати самардорлигини ошириш масалаларида сиёсий партиялар фракцияларининг ролини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

— **Қонун лойиҳалари устида ишлашда олимлар, юқори малакали мутахассислар ва экспертлар иштироки борасида қандай ишлар қилинмоқда?**

— Албатта, қабул қилинаётган қонунлар самараси энг аввало, одамлар ҳаёти, сиёсий, иқтисодий тараққиётга қай даражада таъсир этаётгани билан ўлчанadi.

Қонун лойиҳаларининг давлат бошқаруви, фуқаролик жамияти институтларининг турли бўғинларида амалий муҳокама қилиниши, чет эл амалиёти билан қиёсий таҳлил этишга қаратилган чора-тадбирлар парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолиятини тубдан яхшилашга хизмат қилмоқда.

Бунинг натижасида Қонунчилик палатасида қонун ижодкорлиги фаолияти сезиларли даражада фаоллашди. Қонун лойиҳалари устида ишлаш Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Регламентида мувофиқ амалга оширилмоқда. Ҳар бир қонун лойиҳаси, энг



аввало, сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи мажлисларида муҳокама этилмоқда.

Қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда соҳа мутахассислари, экспертларни жалб этиш йўлга қўйилди. Айниқса, Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинг институти билан ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Депутатлар сайловчилар билан учрашувларда уларни қонунлар лойиҳалари билан кенг таништирмоқда, билдирилган таклифларни ўрганмоқда. Бу эса қонунларнинг ҳаётий ва ҳар томонлама мукамал бўлишида муҳим оқим ҳисобланади. Шунингдек, қонунларда ҳавола нормаларни қайта қилиш бўйича ҳам сезиларли ишлар қилинди. Фракциялар ва ишчи гуруҳ мажлисларида қўриб чиқилаётган ҳар бир қонун лойиҳасидаги ҳавола қилувчи нормаларнинг асослилиги ва мақсадга мувофиқлиги ўрганилмоқда.

Қонунчилик палатасида фуқароларнинг мунозамлигини қабул қилиш ва уларнинг депутатлар билан учрашувини ташкил этиш мақсадида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланилмоқда. Фуқароларни қабул қилиш хо-

насидаги кутиш залида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолияти ҳақида маълумот берувчи «Инфокиоск» ташкил этилган. Аҳоли вакиллари ушбу қурилма орқали қабул қилинган қонунлар, қонун лойиҳалари бўйича ўзларини қизиқтирган барча маълумотларни олиши мумкин.

— **Президентимиз маърузасида эътибор қаратилган муҳим масалалардан яна бири — бу Қонунчилик палатаси фаолиятида сиёсий партиялар фракцияларининг ўрни ва ролини янада ошириш эди. Айтингчи, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси қонунлар лойиҳалари муҳокамасида электрат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қандай таклифлар билан чиқмоқда?**

— Албатта, фракция қабул қилинаётган ҳар бир қонунда Сайловолди дастурида қўзда тутилган масалалар, электратимиз манфаатлари билан боғлиқ нормалар акс этишига ҳаракат қилмоқда. Айниқса, таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳаларини янада яхшилаш масалалари фракциямиз аъзоларининг диққат марказида турибди.

«Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Жисмоний тарбия

ва спорт тўғрисида» (янги таҳрири), «Аҳолининг санитария - эпидемиологик осойишталиги тўғрисида», «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунлар шулар жумласидандир. Бу қонунларнинг ишлаб чиқишида депутатларимиз аниқ таклиф ва ташаббуслари билан фаол иштирок этди.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, парламентдаги кўпчилик ва мухолифат ўртасида фарқ сиёсий партиялар фракциялари ўртасида кучли рақобатга асос бўлади. Бундан кўринадики, муайян ижтимоий қучлар ва қатламлар манфаатларини ҳимоя қилувчи сиёсий партиялар гоялари, дастурий вазифалари муваффақиятли амалга оширилади. Бу эса қабул қилинаётган қонунлар сифатини таъминлаш, парламент ролини, унинг мамлакатда кечаётган жараёнларга таъсирини оширишга хизмат қилади.

— **Олий Мажлис палаталари ва энг аввало, фракцияларнинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, қабул қилинаётган қонунлар, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий давлат дастурлари ижросини сўз-**

сиз таъминлаш борасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси қандай ишларни амалга оширмоқда?

— Партияимизнинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури асосида депутатлар жойларда электратимиз манфаатларига хизмат қиладиган иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал қилишда фаол иштирок этмоқда. Мисол учун, Ҳаракат дастурида парламентимиз томонидан қабул қилинган Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг жойлардаги ижроси масаласига алоҳида ўрин берилган. Мазкур дастурнинг бажарилиши ҳамда ушбу жараёндаги мавжуд муаммо ва камчиликлар депутатларимиз томонидан чуқур ўрганилмоқда.

Хусусан, Дастурнинг ижроси Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида ўрганилди. Ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб, фракциямиз аъзолари ташаббуси билан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг «2015 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури параметрларининг бажарилиши тўғрисида»ги ахборотини эшитиш белгиланган. Айни пайтда парламент эшитишга жиддий тайёргарлик кўрилмоқда.

Мазкур сайё-ҳаракатлардан қўзланган асосий мақсад электратимизни ўйлантираётган муаммоларни чуқур ўрганиш, уларга ечим топиш бу борадаги мавжуд қонунларни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Биз Сайловолди дастури-мизда ижтимоий ҳимояга эътижманд аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишни асосий вазифа сифатида илгари сурганимиз. Ушбу максимиз қонунларда ўз аксини топиши учун ҳаракат қилишимиз, курашимиз зарур.

«Ўзбекистон овози» мухбири **Нурали ОРИПОВ** суҳбатлашди.

■ **НУҚТАИ НАЗАР**

— **САЙЛОВЧИЛАР**

ДЕПУТАТЛИК УЧУН

КЎРСАТИЛГАН

НОМЗОДГА ОВОЗ

БЕРИБ, УНИ ҚЎЛЛАБ-

ҚУВВАТЛАШ БИЛАН

БИРГА, ОРТИДА ТУРГАН

СИЁСИЙ ПАРТИЯГА ҲАМ

ИШОНЧ БИЛДИРАДИ.

ДЕМАК, БИЗ

ДЕПУТАТЛАР

САЙЛОВЧИЛАРГА

БЕРГАН ВАЪДАМИЗНИ

ЭМАС, БАЛКИ

ПАРТИЯНИНГ

САЙЛОВОЛДИ

ДАСТУРИНИ ҲАМ

БАЖАРИШГА БЕВОСИТА

МАСЪУЛМИЗ.

Нигора ЭШМАТОВА,
Халқ депутатлари
Тошкент шаҳар
Кенгашидаги
Ўзбекистон ХДП
гуруҳи аъзоси:

Маҳаллий Кенгашларга партия-миздан сайланган депутатлар бу вазифани сидқилдан, виждонан бажариб, одамлар ишончини оқлашга ҳаракат қилипти. Хусусан, ЎзХДП гуруҳлари томонидан партия Сайловолди дастурида белгиланган турли ижтимоий масалалар чуқур ўрганилмоқда. Улар доимий комиссия ва сессиялар кун тартибига киритилиб, ечимни юзасидан амалий таклифлар илгари суриляпти. Шунингдек, Жамоатчилик қабулхоналарига тушган мунозамларда кўтарилган муаммоларни ҳал этишда партия гуруҳларимизнинг иштироки сезиларли даражада кучайгани фикримизни тасдиқлайди.

Шуни унутмаслигимиз керакки, мамлакатимизда демократик ислохотларнинг чуқурлашиб бораётгани фаолиятимизга танқидий назар билан қарашимизни тақозо этади. Ютуқ ва камчиликларни тўғри баҳолаб, ҳулоса чиқаришимиз зарур.

Очигини айтганда, ҳамма депутатлар ҳам қонуний ҳуқуқ ва ваколатларидан етарли даражада фойдаланмаётир. Фақат сессияларда иштирок этиб, «депутатлик вазифамни бажардим», деб ўйлаётган депутатларимиз, афсуски, йўқ эмас. Депутат ўзи сайланган сиёсий партия ташкилотлари томонидан ўтказиладиган ижтимоий-сиёсий тадбирларда ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этиши керак. Бу депутатларни сайловчилар, электрат вакиллари билан яқинлаштирувчи энг муҳим воситалардан бири ҳисобланади.

Депутатлар фаолиятини кучайтириш учун, аввало, уларнинг ўз сайлов округидаги ишларини жонлантириш керак, деб ўйлайман. Депутат сайловчилар кўтарётган масалани ҳал этиш юзасидан қандай ташаббуслар билан чиқаётгани партия маҳаллий кенгашининг доимий эътиборида туриши зарур. Шу билан бирга, кўчма Жамоатчилик қабулхоналари ташкил этишга алоҳида эътибор бериш, унда депутатларнинг фаол иштирокини таъминлаш лозим. Шу орқали депутатлар одамлар билан юзма-юз мулоқот қилади, жойларда учраётган муаммолардан хабардор бўлади.

Гулрух ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА
ёзиб олди.

■ **ЎзХДП «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ**

«Ижтимоий ҳимоядан — ижтимоий фаоллик сари»

Ушбу лойиҳа хотин-қизлар бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда

— Аёл жамиятда фаол бўлиши учун аввало, ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий билимга эга бўлиши керак, — дейди **Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши сектор мудири Гулшан Асатова**. — Демак, иш бошлаш ниятидаги хотин-қизларга унинг ҳуқуқий жиҳатлари ҳақида маълумот бериш — муҳим масала. Шундан келиб чиқиб, жорий йилнинг ўтган даврида лойиҳа доирасида меҳнатга лаёқатли, ишлаш ёки ўз тадбиркорлигини бошлаш истагидаги хотин-қизлар иштирокида 400 га яқин давра суҳбати ва семинарлар ўтказилди. Мазкур тадбирларда маҳаллий Кенгаш депутатлари, туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари, пенсия жамғармаси вакиллари иштирок этди. Бўш иш ўринларига эга, касаначилик асосида иш ўрни яратмочли бўлган қорхоналар ҳам тадбирларга таклиф қилинди. Мутахассислар қатнашчиларга бандлик, солиқ, пенсия тизимига доир ҳуқуқий асосларни кенг тўшунтиришди, қўллаб-саволларга жавоб беришди. **Мазкур мулоқотларда 18 минг нафардан**



ортик хотин-қиз қатнашди.

Яна бир аҳамиятли томони, лойиҳани амалга ошириш бўйича тузилган ишчи гуруҳи ёрдамида ҳудудлардаги бўш иш ўринлари, ишлаш истагини билдирган хотин-қизлар аниқланди. Тадбирлар давомида **1200 нафардан** ортик хотин-қиз ишга жойлаштиришга яқиндан кўмаклашилди.

Таъкидлаш жоизки, мулоқотлар

мобайнида депутатлар ҳамкорлигида хотин-қизларнинг меҳнатга оид ҳуқуқларининг бузилиши, бу борадаги қонунчилик ижросида юзага келадиган камчилик ва муаммолар ҳам ўрганилди. Депутатлик сўровлари, озаки ва ёзма мунозамлар орқали маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда масалалар ижобий ҳал этилди.

Санжар ШОТУЛАГАНОВ олган суратлар.



■ **2015 ЙИЛНИНГ ДАСТЛАБКИ 6 ОЙИ ДАВОМИДА СИЁСИЙ ВА ФУҚАРОЛИК МАЪРИФАТИ ТИЗИМИ ДОИРАСИДА ЎЗХДП ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛГАН СИЁСИЙ ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИДА 1000 НАФАРГА ЯҚИН ТИНГЛОВЧИ ҚАТНАШДИ.**



■ **ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА ЎЗХДП ГУРУҲЛАРИ ТАШАББУСИ БИЛАН 14 МАСАЛА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР СЕССИЯЛАРИДА ҚЎРИБ ЧИҚИЛДИ.**

Иқтисод қилинган 152,4 миллион киловатт/соат электр энергияси ва 42,6 миллион куб метр табиий газ тоғ-кон, кимё, энергетика, нефть ва газ ҳамда қайта ишлаш каби тармоқларга йўналтирилди.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

2015-йил 24-сентябр. Payshanba

113 (32.016)-сон

www.uzbekistonovozi.uz

3

■ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТ

ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОРЛИГИ

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИДАН БИРИДИР

Жаҳон иқтисодиётидаги глобал ўзгаришлар, ҳамон давом этаётган молиявий инқироз билан боғлиқ бугунги мураккаб вазият ўз эртасини, тараққиётини ўйлаган ҳар бир мамлакат олдида тез ва узоқни кўзлаб, пухта қарорлар қабул қилишни долзарб вазифа этиб қўймоқда. Дунё молиявий ва иқтисодий шароитидан келиб чиқиб, мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, унинг тармоқларини янгилаш ва модернизация қилишни кўзда тутувчи муҳим ҳужжатлар қабул қилинмоқда ва улар амалиётга изчил жорий этилмоқда.

Президентимиз қарори асосида қабул қилинган 2015-2019 йилларда иқтисодиётни янада ислох этиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар Дастури ушбу ислохотларнинг мантиқий ва узвий давомидир.

Дастур етти та муҳим йўналишни ўзида муҳасам этган бўлиб, улардан бири — энергия сарфини камайтириш, иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва иқтисодий соҳада энергияни тежовчи технологияларни жорий этиш ҳисобланади.

Маълумки, сўнгги йилларда республикада иқтисодиёти тармоқларида ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарали ва тежамли фойдаланиш масалаларига устувор вазифалардан бири сифатида қараб келинмоқда. Бойи, бир томондан, республикада


саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга энергия сарфини камайтиришда ҳали фойдаланилмаган захиралар кўп бўлиб, улардан унумли фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Иккинчидан, ялпи ички маҳсулотнинг ишлаб чиқарилишига сарфланадиган энергия миқдори бошқа ривожланган давлатларга нисбатан юқорилигича қолмоқда. Шу маънода, ёқилғи-энергетика ресурсларининг тежамкорлик билан сарфланиши таъминлаш, ишлаб чиқаришда маҳсулот бирлигига сарфланадиган шартли ёқилғи миқдорини камайтириш билан боғлиқ масалаларни кенг миқёсда жорий этиш тақозо қилинмоқда.

Шундан келиб чиқиб, иқтисодиёт тармоқларида ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича, тегишли ҳуқуқий асослар яратилмоқда. Вазир

лар Маҳкамасининг «Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори шундай ҳужжатлар сирасига киради. Гап шундаки, ўтган қисқа давр мобайнида мазкур қарор ижроси доирасида Иқтисодиёт вазирлиги томонидан Жаҳон банки билан ҳамкорликда бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, лойиҳанинг биринчи босқичида Жаҳон банки тизимидаги Халқаро тараққиёт уюшмасининг 25 миллион АҚШ доллари миқдоридagi узоқ муддатли имтиёзли кредити жалб қилинди. Натижада, республика-миздаги «Ўзсаноатқурилиш-банк», «Асака» банки ва «Хамкорбанк» иштирокида маҳаллий саноат корхоналарига замонавий асбоб-ускуналар сотиб олиш ва энергияни тежовчи технологияларни жорий этиш имконияти яратилди.

Масалан, дастлабки босқичда «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси тизимидаги корхоналарда 2, «Ўзбекэнерго» ва «Ўзкимё-саноат» акциядорлик жамиятларида 9, «Ўзпахтасаноат» ҳамда Озик-овқат саноати корхоналари уюшмаларида 6, жами 31 лойиҳа амалиётга татбиқ этилди. Пировадда, ушбу субъектларда иқтисод қилинган 152,4 миллион киловатт/соат электр энергияси ва 42,6 миллион куб метр табиий газ тоғ-кон, кимё, энергетика, нефть ва газ ҳамда қайта ишлаш каби тармоқларга йўналтирилди. Бунда асосий эътибор жисмонан ва маънан эскир-



УЭА олган суратлар.

ган ишлаб чиқариш қувватларини замонавийларига алмаштириш, ушбу жараёнга техник ва технологик ечимларни изчил қўллаш, мавжуд хомашё базасидан оқилона фойдаланиш, ёрдамчи ҳужа-ликларга муқобил энергия манбаларини татбиқ этиш омилларига қаратилгани диққатга сазовордир.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, истиқболли лойиҳаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши 2013 йилда иккинчи босқич рўёби учун йўл очиб берди. Сабаби, бунинг учун ажратилган 100 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағ туфайли саноат корхоналарида яна 43 лойиҳа амалга оширил-

моқда. 2018 йилга қадар ҳаётга татбиқ этиладиган ушбу лойиҳалар ҳисоб-китобларга кўра, 547 миллион киловатт/соатдан ортиқ электр энергияси ҳамда 214 миллион куб метр табиий газни тежаш имконини беради.

Муҳими, республика-мизда етарли даражада табиий газ, суёқ углеводородлар, кўмир ва бошқа турдаги ёқилғи-энергетика ресурслари захиралари мавжуд. Шундай экан, яқин келажакда иқтисодиётни янада ислох қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурига мувофиқ амалга ошириладиган иқтисодий ислохотлар янги босқичининг

мазмун ва моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш бўйича жойларда тегишли тарғибот ишларини кенг йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, ўзининг аҳамиятига кўра, 2015-2019 йилларда иқтисодиётни янада ислох қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш Дастурида кўзда тутилган мазкур йўналиш мамлакатимизда бозор муносабатларини янада чуқурлаштиришга, иқтисодий ривожланишга хизмат қилади.

Обиддин МАҲМУДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Пенсия муаммоси

Мархумга пенсия тўлашиши мумкинми, деган саволни кимга берманг, ҳаммаси «йўқ» деб жавоб бериши тайин. Бироқ ҳаётда нималар бўлмаслигини айрим мамлакатлар мисолида кўриш мумкин. Жумладан, Европа Иттифоқи Грецияга молиявий кўмак бериб турган бир пайтда мамлакатда тирик бўлмаган «пенсионер»лар мавжудлиги мамлакат маъмуриятини анча сергаклантириб қўйди.



Гап шундаки, немисларнинг «Der Spiegel» нашрида ёзишларича, Греция ижтимоий ҳаётида ғалати ҳолат фаш этилган ва расмий чоралар қўрилган эди. Яъни, вафот этган пенсионерлар пенсияси уларнинг қариндошларига бериб келинган. Пенсионерларнинг ўлгани ҳеч қаерда қайд этилмагани бунга сабаб бўлган.

Бундай ҳолат 63,5 мингтани ташкил этгани, айниқса, ажабланарлиқдир. Бундай ҳоллар бўйича жари-малар қўлланиб, чоралар қўрилган. Аммо натижа...

Кейинги текширувларда яна 50 мингта шундай ҳолат аниқландики, натижада Греция ҳукумати ФХДЭ органлари билан пенсия жағмар-малари ҳамкорлигини қатъийлаш-тиришга мажбур бўлди.

Яна бир қизик факт. Японияда ҳам худди шундай ҳолат аниқла-ниб, оммавий ахборот воситала-рида шов-шув килинди. Нагасаки музофотидаги бир фукаронинг бир неча йиллардан бери «тирик»ли-ги, яъни унга пенсия берилаётга-ни айрим идора вакиллари кизиқтириб қўйган. Маълум бўли-шича, унинг вафоти ҳеч қаерда қайд қилинмагани боис пенсия қариндошлари томонидан олиб ке-линган.

1,5 йил вақт берилди

аммо хулоса чиқаришмади

Ҳиндистоннинг «Air India» авиа-компанияси маъмурияти борт ку-затувчиларига нисбатан янги талаб жорий этди. Бу меъёрий ҳолат қомат билан боғлиқ бўлиб, уларни семириб кетишдан асрай-ди.



Мазкур янги талабга биноан, дейилади «The Times of India» наш-рида чоп этилган ахборотда, авиа-компаниянинг ортиқча вазига эга 125 нафар борт кузатувчилари энди-ликда парвозлардан четлантилади-ган бўлди.

Фукаро авиациясида бош бошқар-маси талабига кўра, борт кузатув-чилари 1,5 йил давомида ортиқча вазидан халос бўлиб, қоматларини меъёрий ҳолга келтириб олишлари даркор эди. Аммо, бу талаб бажари-лмаган, борт кузатувчилари бош-қа ишга ўтказилди.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, стюард ва стюардессаларнинг их-чам қоматга эга бўлишлари самолёт салоҳида бемалол ҳаракатланиши-ни таъминлайди.

■ МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

Куз-қиш мавсумида

аҳоли табиий газ билан тўлиқ таъминланадими?

«Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси томонидан Газ транспорт тизими объектларини 2015-2016 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлаш, истеъмолчиларга табиий ва суёл-тирилган газ етказиб бериш масалаларига бағишланган мат-буот анжуманида ушбу саволга атрофлича жавоб берилди.

Мамлакатимиз иқлими ўзига хос. Ўтган кишда совуқ кунлар узоқ да-вом этган эди. Бу эса табиий газга бўлган талабнинг ортишига, олиб келганди.

Шу боис келаётган қиш фасли қандай бўлишидан қатъи назар, энг паст хаво харорати ҳисобга олинган ҳолда, корхоналар ва аҳолини таби-ий газ билан узлуксиз таъминлаш учун пухта тайёрлаш қўриш талаб этилади.

Президентимизнинг иқтисоди-ёт тармоқларини 2015-2016 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлаши-ни таъминлаш тўғрисидаги қарори-га асосан «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси томонидан тегишли чора тадбирлар режаси ишлаб чи-қилиб, ижроси доимий назоратга олинган, — дейди «Ўзтрансгаз» ак-циядорлик компанияси Бош ди-ректори ўринбосари Муродулло Бошмонов. — Табиий газ таъмини-тида узилтилар рўй бермаслиги учун бугунги кунга қадар 70,6 кило-метр газ қувурлари мукамал таъ-мирланган бўлса, 105,5 километри реконструкция қилинди, 72 минг 364 дона газ тақсимлаш пунктларида тафтиш ўтказилди.

«Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси томонидан аҳолини куз-қиш мавсумида табиий газ бил-ла таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда, — дейди «Ўзтрансгаз» акциядор-

лик компанияси ҳудудий газ таъ-миноти корхоналари фаолияти-ни мувофиқлаштириш бошқар-маси бошлиғи Акмал Эшонқулов. — Ўтган 2014 йилда республика миқёсида жами 20 газ тўлдириш шохобчаси қурилиб ишга туширил-ди. Шу кунга қадар аҳолига 527 минг 963 дона газ баллон тар-қатилди. Жорий йил якунига қадар эса газ баллонларини сотиш ва хизмат кўрсатишга ихтисослашган яна ўн тўртта газ тўлдириш шохоб-часини ишга тушириш режалашти-рилмоқда.

Республика бўйлаб аҳоли ва кор-хоналарни газ билан таъминлаш учун 2014 йилда 31 «MAN» русумли авто-цистерна, 55 «ISUZU» русумли мах-сус автомашина ҳарид қилинди. Шу йил охиригача яна 43 «MAN» русум-ли автоцистерна, 63 «ISUZU» русум-ли махсус автомашина харид қилиш мўлжалланган.

Шунингдек, тадбирда аҳолини та-биий газ билан узлуксиз таъминлаш масаласида истеъмолчиларнинг тўлов маданияти ва масъулиятини ошириш, фойдаланилган табиий газ ҳақини ўз вақтида тўлаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъ-кидланди.

Матбуот анжуманида журналист-ларни қизиқтирган саволларга ба-тафсил жавоб қайтарилди.

Наврўз ШОДМОНҚУЛОВ

■ РЕКЛАМА ЎРНИДА



«Микрокредитбанк» сармоялари

оилалар фаровонлигига хизмат қилмоқда

Акциядорлик тижорат «Микрокредитбанк» томони-дан ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва янги иш ўринлари яратиш масалала-рига алоҳида эътибор берил-моқда. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-ликни ривожлантириш учун жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, барча молия-

лаштириш манбалари ҳис-обидан 577,6 миллиард сўм миқдорида кредитлар йўнал-тирилган. Шунингдек, тадбир-кор аёлларни қўллаб-қувват-лаш мақсадида 65,2 милли-ард сўм, коллеж битирувчи-ларига ўз бизнесларини йўлга қўйишлари учун 32,9 мил-лиард сўм имтиёзли кредит-лар берилган.



Хусанжон АЗИМОВ,
«Жиззах-Дента» масъу-лияти чекланган жамияти раҳбари:

— 2014 йилда стоматоло-гия поликлиникаси қуриш ва уни тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун «Мик-рокредитбанк»нинг Жиззах шаҳар филиалига мурожаат этдик. Банк томонидан так-лиф этилаётган кредит турла-ри бизга маъқул бўлди. Жамиятимизга ажратилган 48 миллион сўм кредитга хориж-дан энг замонавий стомато-логик асбоб-ускуналар сотиб олдик. Ишмиз юришиб кетди. 11 нафар тиббиёт ходимини иш билан таъмин-ладик. Келажакда фаолияти-мизни янада кенгайтириш ниятидамиз.

Бугунги кунда «Микрокре-дитбанк»нинг жойлардаги филиаллари фаолияти ми-жозларнинг банкка бўлган ишончини ошириш, янги иш ўринлари яратиш, мамлакат-миз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ САМАРҚАНД ШАҲРИДА «ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛАРДА ИШ ЮРИТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОН ВА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ» МАВЗУСИДА ТАШ-КИЛ ЭТИЛГАН ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯДА МАЗКУР ЙЎНАЛИШДА ОЛИБ БО-РИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ЖИНОЯТ, ЖИНОЯТ-ПРО-ЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИКНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД МАСАЛА-ЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ, ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШИЛДИ.



■ ЖУНУБИЙ КОРЕЯНИНГ «THE KOREA HERALD» ГАЗЕ-ТАСИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН МАҚОЛАДА ЎЗБЕКИСТОНГА «ЯНГИ ИПАК ЙЎЛИНИНГ ЎСИШ НУҚТАСИ», ДЕЯ ТАЪРИФ БЕРИЛГАН. УНДА КОРЕЯНИНГ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТУР-ЛИ СОҲАЛАРДА ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК МУНО-САБАТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАБ КЕЛАЁТГАНИ ҲАҚИДА АТРОФЛИЧА ФИКР ЮРИТИЛГАН.

Халқимиз қачон, қаерда бўлмасин, дуога қўл очар экан,
аввало, тинчлик бўлсин, омонлик бўлсин деб ният қилади.

Саодатли кунлар шукронаси

Президентимизнинг «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарори юртдошларимиз томонидан қизгин кутиб олинди. Унда таъкидланганидек, Қурбон ҳайитининг маънавий ҳаётимиздаги ўрни, моҳияти ва аҳамиятини, халқимизга хос бўлган меҳр-оқибат, шукроналик ва бағрикенглик туйғуларини кенг тарғиб қилиш, ёшларимиз онгига синдириш муҳим аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан Тошкент шаҳар «Хўжа Алламбардор» масжиди имом-хатиби Раҳимберди Раҳмонов мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.

— Қурбон ҳайити яхши амаллар, хурсандчилик, эзгулик байрамидир, — дейди у. — Ушбу байрамда мурувват, хайр-эҳсон, яхшилик қилиш, ўзаро иттифоқлик, дўстлик, ҳамкорлик сингари сифатларни ўз ораларида татбиқ этганлар Аллоҳнинг катта ажр-савобларига сазовор бўлишади. Расули акрам (с.а.в.) ҳайит кунининг кечасини Аллоҳдан катта мукофот олиш вақти деб атаганлар.

Ислом тарихини кўздан кечирсак, Қурбон ҳайити узоқ ўтмишга бориб тақалади. Ушбу кун Иброҳим алайҳиссалом, ўғиллари Исмоил алайҳиссалом ҳамда аёллари Ҳожар онамининг нафс устидан қозongan галабаси сифатида тарихда қолган. Қурбонлик қилиш эса Аллоҳ таолога яқинлаштирувчи ва унинг розилигини топишга васила бўлувчи хайрли амал, ибодатдир.

Расулulloх (с.а.в.)нинг видолашув ҳақларида улуғ бир ҳукм но-зил бўлди.

«Бугунги кунда Мен сизнинг динингизни мукамал қилиб бердим. Сизга неъматимни батамом қилдим. Ва сизга Исломни дин деб рози бўлдим» (Моида сураси, 3-оят).

Шунинг учун ҳам Қурбон ҳайити байрам сифатида нишонланишга лойиқ кундир. Бу илоҳий кун қувонч

ва шодлиги Аллоҳга беадад шукр айтишни барчамизга вожиб этади. Зеро, шу кунни бизларга Аллоҳ неъматини тўла-тўқис мукамал қилиб берди.

Бу куннинг бир қанча улуғ фазилатлари бор. У ҳажжол акбар кунини, йил давомидаги энг афзал кун. Расулulloх (с.а.в.) дедилар: «Аллоҳ таборака ва таоло наздида энг улуғ кун — қурбонлик кунлари...» (Абу Довуд ривояти).

Шу ўринда айтиш жоиз, ҳайит байрами амаллари халқимизнинг турмуш тарзига шу даражада чуқур сингир кетганки, уларни нафақат байрам кунлари, балки бутун умр давомида қилиб келаётган юртдошларимиз борлиги ҳаммамизни хурсанд қилади.

Меҳрибон Роббимиз барчаларимизни фақат ўзигагина ибодат қилишга буюради. Қилган ибодат ва яхши амалларимиз унга яқинлашиш ва унинг розилигини топиш учун бир воситадир. Инсонни Аллоҳга яқинлаштирувчи ибодатлардан бири бу — Қурбонликдир.

Қурбонлик учун сўйилган ҳайвонлар орқали мўмин киши Аллоҳнинг амри билан ўз молидан воз кеча олиши имтиҳон қилинади. Динимизда қурбонлик амали нақадар савобли эканлигини қуйидаги оятдан ҳам билиш мумкин:



Ушбу оғлан сурат.

«(Эй Мухаммад), албатта, биз сизга Кавсарни ато этдик бас. Сиз Парвардигорингиз учун намоз ўқинг ва (жонлик) сўйиб, қурбонлик қилинг! Албатта, сизни ёмон кўргувчи кимсанинг думи қирқилгандир (яъни, беному нишон йўқ бўлиб, кетгувчидир)!» (Кавсар сураси, 1-3 оятлар).

Қурбон ҳайити — улуғ байрам. Пайғамбаримиз (с.а.в.) бу кунда янада меҳрибонроқ, шафқатлироқ бўлар, етим-есирлар бошини силлар, қариялар, касалмандлар, муҳтожлардан хабар олар, уларнинг кўнглиларига ҳам байрам шукрини олиб қирар эдилар. Шунинг учун бу кунни яқинларимизни йўқлаб, уларнинг ҳолидан хабар олиш, ёши улуғларни зиёрат қилиш, муҳтожларга меҳр-мурувват кўрсатиш,

Хайит кунини яқинларимизни зиёрат қилиб, байрам билан қутлаб, яхши тилаклар айтмоғимиз, шариатда мустаҳаб саналади.

оилаларга хурсандчилик улашиш ва умуман, байрамнинг кўрқига кўрк қўшадиган амали солихлар билан ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Хайит намозидан олдин (фақат Қурбон ҳайитида) ҳеч нарса емаслик афзал. Расулulloх (с.а.в.) Қур-

бон ҳайити кунини намоздан қайтгунларига қадар ҳеч нарса емаганлар. Хайит намози ўқилгач, қилган қурбонликлари гўштидан еганлар.

Хайит кунини яқинларимизни зиёрат қилиб, байрам билан қутлаб, яхши тилаклар айтмоғимиз, шариатда мустаҳаб саналади. Одамлар бир-бирларига «Аллоҳ сизу биз — барчамизнинг амалларимизни қабул қилган бўлсин!» каби хайрли сўзларни айтадилар.

Хайитда ота-оналаримиз, қариндош-уруғларимиз, устозларимизни зиёрат қилишимиз жоиздир.

Кейинги ҳайит байрамларига ҳам соғлик ва омонликда етиб бормоқликни Аллоҳдан сўраймиз.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Темур АЪЗАМ ёзиб олди.

Қадим-қадимдан Хоразм ширин-шакар қовунлари билан Шарқу Фарбада машҳур бўлган. Аммо пахта якка ҳокимлиги замонларида бу тармоқ деярли унутилганди. Истиқлол йилларида воҳада полиз маҳсулотларини етиштириш қайта тараққий топди, йўқолиб бораётган қовун навларини қайта тиклаш борасида истиқболли лойиҳалар амалга оширилиб, қисқа даврда қадимги шухрат яна тикланди.

Қовун экспорти йўлга қўйилди

Хар йили қадим Хива шаҳрида ташкиллаштирилаётган «Қовун сайли» нафақат воҳа миришкорлари меҳнати самараси бўй кўрсатиши, балки юртимизнинг бетақор ноз-неъматлар ўлкаси эканлигини хорижлик сайёҳларга намойиш этиш воситасига айланди.

— Ҳозирда фақат қовун етиштириш билан чекланиб қолаётганимиз йўқ, — дейди «Хоразм қовунлари» масъулияти чекланган жамияти раиси Саъдулла Хўжаев. — Балки қовундан турли-туман ноз-неъматлар, яъни қовун қоқи, қовун мураббоси ҳамда унинг уруғидан шарбат тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Бугунги кунда қовундан тайёрланаётган ноз-неъматлар сони 32 тага етди. Беговот қишлоғида 30 гектар ер майдони жамиятимизга ажратиб берилган. Бу ерда деҳқонлар етиштираётган қовунлар нафақат воҳа ахлига, балки хорижга ҳам экспорт қилинмоқда.

Қовуннинг «Сариқ гулоби» нави таъми билан алоҳида ажралиб туради. Утган йили шундай нав қовунлар Жанубий Кореяга жўнатилди. Илк экспорт қилинган маҳсулотдан 162 минг АҚШ доллари миқдоридан даромад олинди. Бу йил ҳам айнан шу навдаги қовунларни Корея Республикаси ва бошқа давлатларга юбориш борасида шартномалар тузилиб, илк маҳсулотлар аллақачон истеъмолчиларга етказиб берилди.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА

ЕМММ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ВАЗИРЛИГИ «ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ»
ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

барча юртдошларимизни муборак Қурбон ҳайити байрами билан табриклайди. Осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч, халқимиз турмуши фаровон бўлсин!

Фурсатдан фойдаланиб, радиоэлектрон алоқа воситалари (узоқ масофали радиоузаитиргичлар, радиостанциялар ва бошқа радиоузаитгич воситалари)ни республикамиз ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича Электромагнит мослашув маркази ва унинг ҳудудий бўлимларига мурожаат этиш лозимлигини эслатиб ўтамыз.

БИЗНИНГ МАНЗИЛЛАР:

Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 22-уй, блок «В», тел: 230-61-13, 202-61-68.	Навоий шаҳри, Амир Темур кўчаси, 4-уй, 802-хона, тел: 230-64-69.
Андижон шаҳри, Чўпон шоҳ кўчаси, 5-уй, 49-хонадон, тел: 230-64-65.	Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 8-а уй. 2-корпус, 54-хонадон, тел: 230-64-72.
Бухоро шаҳри, Академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, тел: 230-64-66.	Самарқанд тумани, Ўрташиқ қишлоғи, ТРНС, тел: 230-64-80.
Жиззах шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, АТС-4 биноси, тел: 230-64-68.	Термиз шаҳри, 5-кичик даҳа, 1-уй, 16-хонадон, тел: 230-64-79.
Нукус шаҳри, Ернарз Алақоз кўчаси, ШАТС биноси, тел: 230-64-75.	Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 54-уй, тел: 230-64-67.
Қарши шаҳри, 2-микрорайон, 43-уй, 62-хонадон, тел: 230-64-78.	Фарғона шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 37-г уй, 36-хонадон, тел: 230-64-74.
	Урганч шаҳри, Нажмидин Кубро кўчаси, 7-уй, тел: 230-64-77.

ООО «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

АВТОКРАНЫ ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬЮ — 16 т, 25 т, 32 т, 50 т.

САМОСВАЛЫ на шасси «ISUZU» ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬЮ — 4,5 т или 9 т.

КРАНМАНИПУЛЯТОРЫ на шасси «ISUZU» или «MAN», грузоподъемностью — 3 т, 5 т или 7 тонн

АВТОВЫШКИ на шасси «ISUZU» — до 14, 18 и 22 метров.

Телефон:
(0-371) 262-97-78.
Факс:(0-371) 262-23-61,
(+99890) 187-52-05,
(+99890) 315-99-17.
www.avtokran.uz
Email:cst2008@mail.ru
Товар сертифицирован.